

ТАЪЛИМДА ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7977828>

Султанова Назокатхон Отабековна

ФарДу Тарих факултети талабаси



ELSEVIER



Abstract: Таълимда ўқитишнинг инновацион технологияларини интеграциялашуви педагогик технология ютуқларидан фойдаланувчи ўқитувчи, ўзи кўникиб қолган анчагина одатдаги иш усулларидан воз кечиши, шу билан бирга, педагогик технология имкониятларини чуқур ўзлаштириб, ундан ўқув жараёнида самарали фойдаланиш йўлларини топиш бўйича ижодий изланиб бориши зарур. Мақолада замонавий жамиятда таълим тизимини ислох қилиш масала эканлиги акс етган.

Keywords: интеграциялашув, таълим, малака, технологик билим, самарадорлик, инновацион технологиялар.

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Received: 22-12-2022

Accepted: 22-12-2022

Published: 22-12-2022



Бугунги дунё глобал ўзгаришлари барча соҳа бўлгани каби таълим соҳасини ҳам инновацион технологиялар билан ёнма-ён тарзида ўзгариши ва ўсишини талаб этмоқда. Биз таълимни ўқитишда педагогик технологиялар амалиётида янги йўл ва воситаларини жадал татбиқ этилаётганлигини кузатиш мумкин. Бироқ баъзи таълим шакл ва фаоллиги билан фанлараро интеграциялашувни таълимий усуллар сифатида ўқитишнинг инновацион технологияларини талаб қилади. Мавжуд имкониятдан фойдаланилган ҳолда таълимий жараёни технологияли лойиҳалаштириш ва режалаштириш, фақат технологик билим, кўникма ва малакаларга эга бўлган педагог ўқитувчилар бажара олиши ҳам ҳақиқатдир.

Ҳозирги вақтда педагогик технология “Таълим беришнинг техник воситалари ёки компьютердан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотлардек қаралмай, балки бу таълимий самарадорликни оширувчи омилларни таҳлил қилиш йўли орқали, йўл ва материалларни тузиш ҳамда қўллаш, шунингдек қўлланилаётган усулларни баҳолаш орқали таълим жараёни принципларини аниқлаш ва энг мақбул йўлларини ишлаб чиқиш мақсадидаги тадқиқотдир”- деб қаралади.

Таълимда ўқитишнинг инновацион технологияларини интеграциялашуви ўқитишда технологик ёндашиш ўқитувчи учун бир қанча машаққатлар, янги қутилмаган вазиятлар ва талабларни вужудга келтиради. Лекин бу ўқитишнинг янги техник воситаларини ишлатиш, янги ахборот

каналларидан фойдаланиш (катталикларнинг компьютерлашган банки, ахборот тармоқлари, видеотехника) тўғрисида бораётгани йўқ. Унинг моҳияти шундаки, ўқитувчи мустақил равишда ўқув мақсадларини тузиши ва уларни мумкин бўлган чегарасигача аниқлаштириши, сўнгра уларни амалга оширишдан иборат. Ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлган омиллардан яна бири педагогик технологияда у ўз имконияти чегарасида етарли даражада амалий, шу билан бирга ихчам ва варианттив режалар яратиш лозимлигини англатади. Шунингдек таъкидлаш лозимки, аниқлаштирилган ўқув мақсадларини тузиш, айниқса улар асосида тест топшириқлари фондини яратиш бир ўқитувчи уддалайдиган иш эмас. Бу эса ўз навбатида ўқитувчилар ва бир нечта педагог ўқитувчиларни ҳамкорликда ишлашларини ҳамда уларни ягона педагогик талаб асосида аниқ мақсад йўлида фаолият кўрсатишларини тақозо қилади. Шунингдек, ўқитувчининг билимларни баҳолашга ва бу билан боғлиқ ҳолда ўқув жараёнининг ҳар бир қисмига баҳо беришга бўлган муносабатини ҳам ўзгартириши муҳимдир.

Таълимда ўқитишнинг инновацион технологияларини интеграциялашуви педагогик технология ютуқларидан фойдаланувчи ўқитувчи, ўзи кўникиб қолган анчагина одатдаги иш усулларидан воз кечиши, шу билан бирга, педагогик технология имкониятларини чуқур ўзлаштириб, ундан ўқув жараёнида самарали фойдаланиш йўллари топиш бўйича ижодий изланиб бориши зарур.

Бугунги янгиланаётган Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқув жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этиш мамлакатимиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий кўрсаткичларидан бири сифатида эътироф этилиши бежиз эмас. Чунки педагогик технология таълим жараёнини инқироздан холи этиш, уни бозор иқтисодиёти шароитига мос ҳолда такомиллаштириш ва Давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!”

Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётини эҳтиёжга айланиши керак.

Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда. Педагогик технологиядан фойдаланаётган кўпгина ривожланган мамлакатлар ўқув

жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга эришаётганликлари ҳаётда ўз тасдиғини топмоқда.

Демак, хулоса қилиб айтганимизда таълимда ўқитишнинг инновацион технологияларини интеграциялашуви ўқув мақсадларини белгилаш, жорий ва якуний мезоний баҳолаш, репродуктив ўқитишни алгоритм бўйича олиб бориш, талабаларни мустақил билим олишга ундаш, ўқув жараёнини доимо ривожланиб боровчи динамик тизим сифатида лойиҳалаш каби ташкилий-услубий ишларни амалга оширишда катта имкониятлар яратади.

Бу билан педагогик технологияни жорий этиш тажрибасини ўрганиш ва унга ижодий ёндашиш, ўқув жараёнини инсонпарварлаштириш, бунда ўқувчини суст объектдан фаол субъектга айлантириш, билиш фаолиятининг аниқ мақсадларга йўналганлигини ҳамда ўқув жараёнини ишлаб чиқариш жараёни каби такрорланувчанлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек, педагогларда турли шаклдаги топшириқлари тузиш, уларни синашда креатив ижодкорлик ва ҳамкорлик малакалари шаклланади ва такомиллашиб боради. Педагогик технология доирасида яратилган турли хил дидактик конструкцияларга мурожаат қилиш эса ўқув жараёнини ташкил қилишга оқилона ва ижодий ёндашишга, бунда педагог ўқитувчилар ўз эркинлигига эга бўлиши, дарсда қўлланилган турли шакл, услуб ва воситалар самарадорлигини ўзи баҳолашига имконият яратилади. Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган талаб кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда таълим олувчининг фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини таълим олувчиларнинг ўзлари кидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатишидадир. Ўқитувчи бу жараёнда шахсни ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади. Шу билан биргаликда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида таълим олувчилар асосий изланувчига айланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёв таъкидлаганидек, “Педагогик маҳорат ва малака даражасига эга бўлган, ўз ишида аниқ натижаларга эришган ўқитувчиларга юқори маош тўлаш тизимини жорий этамиз.

Мактаб ўқув дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, ўқув юкламалари ва фанларни қайта кўриб чиқиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, дарслик ва адабиётлар сифатини ошириш зарур”.

Бугунги таълим соҳасини ривожини малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш методларида – таълимда инновацион технологияларнинг самарадорлигини ошириш йўллари инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Педагогик технология ва педагог маҳоратга оид билим, тажриба ва интерактив методлар ўқувчи – талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди. Инновация(инглизча innovation) - янгилик киритиш, янгиликдир. Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва таълим олувчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади. Бу методлар- фикрлаш, ўзаро ҳаракат қилмоқ деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб таълим мазмунининг таркибий қисмини ташкил этади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва таълим олувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга ошириладиган жараёнлардир.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйидагиларни ўз ичига қамарб олади:

Таълим олувчининг дарс давомида бефарқ бўлмастикка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиши;

уларни ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлаши;

уларнинг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндошган ҳолда кучайтириши;

педагог ва таълим олувчиларнинг ҳаммиса ҳамкорликдаги фаолиятини ташкилланиши.

Натижада таълимда инновацион технологияларнинг самарадорлигини ошириш йўллари таълим муаммоларини ўрганаётган ўқитувчилар, илмий-тадқиқотчилар, амалиётчиларнинг фикрича, - бу фақат ахборот технологияси билан боғлиқ, ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланиши зарур бўлган техник воситалар, компьютер, масофали ўқиш ёки турли хил техникавий воситалар орқали самарадорликка эришиш деб белгиланади. Бизнинг фикримизча, педагогик технологиянинг энг асосий негизи - бу педагог-ўқитувчилар ва таълим олувчиларнинг белгиланган мақсаддан қафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танлаган технологияларига боғлиқ деб ҳисобланса тўғри бўлади. Бу билан таълимда инновацион технологияларнинг самарадорлигини ошириш, яъни ўқитиш жараёнида, мақсад бўйича қафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологиясининг асосининг фаол бўлишидир.

Хулоса қилиб айтганда, таълимда инновацион технологияларнинг самарадорлигини ошириш йўллари ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологиясига боғлиқ эканлигини инобатга олиш керак бўлади.

Яъни ўқув жараёнидаги педагогик технология - бу яқка тартибдаги жараён бўлиб, таълим олувчининг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан лойиҳалаштирилган ва қафолатланган самарадорлик натижасига қаратилган педагогик жараёндир ҳисобланади.

Юқоридаги фикрларимизни умумлаштирган ҳолда айтишимиз мумкинки, мақсадни амалга ошириши ва қафолатланган натижага эришиш, ҳам педагог-ўқитувчи, ҳам таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти ҳамда улар қўйган мақсад, танлаган мазмун, метод, шакл, воситага, яъни технологик жараёнга ва аниқ белгиланган кетма-кетликка боғлиқликдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР :

1. Ихтиёр Бахтиёрович Хамрақулов (2021). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ. *Scientific progress*, 2 (7), 586-592.
2. Ихтиёр Бахтиёрович Хамрақулов (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ҲУСУСИЯТЛАРИ. *Scientific progress*, 3 (1), 328-334.
3. Хамрақулов Ихтиёр Бахтиёрович (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ИМКОНИАТЛАРИ. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2 (Special Issue 2), 140-146.
4. Хамрақулов, И. Б. (2021). Теоретические основы создания и развития малых промышленных зон. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ* (pp. 49-51).
5. Khamrakulov, I. (2022). Organizational and economic foundations for creating small industrial zones in Uzbekistan. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(10), 233-237.
6. Asqarova, A., Xonkeldiyeva, K., Abdumutalibova, X., & Murotova, D. (2021). Issues of increasing the competitiveness of light industry enterprises. In *Наука сегодня: проблемы и пути решения* (pp. 48-49).
7. Хайдаров, Х., Нурматова, И., & Хонкелдиева, К. (2021). Факторы формирования сильного конкурентного рынка в текстильной промышленности. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ВЫЗОВЫ И РЕШЕНИЯ* (pp. 59-61).
8. Asqarova, A. M., Xonkeldiyeva, K. R., Nomonjonova, F. U., Qodirova, S. Q., & Arabxonova, X. A. (2021). Classification Of Competition In The Market Of Light Industrial Goods And The Factors That Shape It. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3(01), 43-46.
9. Asqarova, A. M., Xonkeldiyeva, K. R., Abdukarimova, R. A., Xudoyberdiyeva, X. B., & Egamberdiyeva, N. B. (2021). Theories Of Marketing

Strategies To Increase The Competitiveness Of Light Industry Enterprises. The American Journal of Management and Economics Innovations, 3(01), 40-42.

10. Хонкелдиева, К., Рахимова, Х., & Хасанхужаева, У. (2021). Предупреждение преступности среди несовершеннолетних. In Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы (pp. 34-35).

11. Хонкелдиева, К., & Хо'жамбердиев, Ж. (2020). Экономика и социум.

12. Хонкелдиева, К. R. (2021). Features of management of textile industry enterprises based on the cluster approach. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(9), 780-783.

13. Zokirova, S. X., Akbarov, R. F., Isagaliyeva, S. M., & Хонкелдиева, К. R. (2021). Sand Distribution In Central Fergana. The American journal of interdisciplinary innovations and research, 3(01), 113-117.

14. Zokirova, S. X., Ahmedova, D., Akbarov, R. F., & Хонкелдиева, К. R. (2021). Light Industry Enterprises In Marketing Activities Experience Of Foreign Countries In The Use Of Cluster Theory. The American Journal of Management and Economics Innovations, 3(01), 36-39.

15. Хонкелдиева К., & Хо'жамбердиев Ж. (2020). IMPROVING ORGANIZATIONAL EFFECTIVENESS OF INDUSTRIAL PRODUCTION. Экономика и социум, (3 (70)), 145-147.

16. Зокирова, С. Х., Хамракулов, Ж. Б., & Кадирова, Н. Б. (2020). Полевая влагоемкость, влажность почв и песков Центральный Ферганы. Universum: химия и биология, (5 (71)), 5-9.

17. Хонкелдиева, К., & Мўйдинжонова, М. (2020). Актуальные проблемы решения безработицы в Республике Узбекистан. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 18-19).

18. Хонкелдиева, К., & Хўжамбердиев, Ж. (2020). Проблемы развития организации: управленческий и логистический аспекты. In Наука сегодня: история и современность (pp. 17-19).

19. Хамракулов, Ж. Б. (2020). Анализ физической подготовленности старших школьников к службе в Вооруженных Силах. In НАУКА СЕГОДНЯ: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ (pp. 31-33).

20. Хонкелдиева, К., & Толибжонова, М. (2020). Механизм формирования инновационного процесса в текстильном производстве как основа адаптации к процессам глобализации. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 15-16).

21. Хонкелдиева, К., & Абдусатторова, З. (2020). Социальная инфраструктура как фактор социально-экономического развития региона. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 17-18).

22. Хонкелдиева, К., & Фарохиддинова, З. (2020). Гендерное равенство как ценность права. Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы: материя.

23. Хонкелдиева, К., & Мўйдинжонова, М. (2020). Необходимые условия обеспечения гендерного равенства. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 40-41).

24. Хонкелдиева, К., Рахимова, Х., & Абдусатторова, З. (2020). Проблемы развития социального обеспечения населения. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 42-43).

25. Хонкелдиева, К. (2020). Актуальные вопросы повышения экономического потенциала текстильной промышленности. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 13-15).

26. Хонкелдиева, К., & Фарохиiddинова, З. (2020). Гендерное равенство как ценность права. In Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы (pp. 61-62).

27. Хонкелдиева, К., & Маматкулова, Ф. (2020). Социально-экономические аспекты устойчивого развития предприятия. In Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы (pp. 36-37).